**Тошкент давлат юридик университети**
**кенгашининг**
**2021 йил 30 августдаги**
**1-сон мажлис баённомасига**
**2-илова**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Тошкент давлат юридик университети**
**ректори в.в.б.**
**И.Рустамбеков**
______________

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

## Тошкент давлат юридик университети

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИ БИРИНЧИ ЯРМИ УЧУН ИШ РЕЖАСИ

**Тошкент – 2021**

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|
| **I. Ўқув, ўқув-услубий ишлар йўналиши** | | | |
| 1. | Масофавий таълим платформаси (**distant.tsul.uz**)да жойлаштирилган модулларга оид контентларни инвентаризациядан ўтказиш ва такомиллаштириш. | 2021 йил сентябрь | Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей директори, Ўқув-услубий бошқарма |
| 2. | **Европа кредит тизими – ECTS** (European Credit Transfer and Accumulation System) ҳақида 1-курс талабаларига таништирув ҳафтасини ташкил этиш ва ўтказиш. | 2021 йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги | Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей директори, Ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари |
| 3. | Ўқишни кўчираётган ва қайта тикланаётган талабалар билан ишлаш (дарс машғулотларига қўйиш, фанлар фарқини аниқлаш ва топширтириш, шахсий йиғма жилдларни шакллантириш ва б.). | 2021 йил сентябрь-октябрь | Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей директори, факультет деканлари, Ўқув-услубий бошқарма, Магистратура бўлими |
| 4. | Ўқув жараёнини, жумладан дарслар сифатини мониторинг қилиш ҳамда етук хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда маъруза ва семинар машғулотлари ўтказиш ҳамда талабалар билимини баҳолаш методикалари бўйича қўлланма тайёрлаш. | 2021 йил сентябрь-ноябрь | Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей директори, Ўқув-услубий бошқарма, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Таълим сифатини назорат қилиш бўлими,<br>Факультет деканатлари |
| 5. | Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган ўқитишни амалга ошириш учун чет тилларида таълим бериладиган **махсус академик гуруҳлар** ташкил этиш ва тегишли фанлар бўйича инглиз тилида зарур контент тайёрлаш. | 2021 йил<br>сентябрь-октябрь | Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей директори,<br>факультет деканлари |
| 6. | Кредит-модуль тизими ўқув жараёнида қўлланилиши ҳолатини мониторинг қилиш ва Ўқув-услубий кенгашда муҳокама қилиш. | 2021 йил<br>декабрь | Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей директори,<br>Ўқув-услубий бошқарма,<br>факультет деканатлари |
| **II. Маънавий-маърифий ишлар йўналиши** | | | |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги куни ҳамда билимлар куни муносабати билан “Талабаликка бағишлов” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этиш. | сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари,<br>Ёшлар кенгаши |
| 8. | 1-босқичга талабаликка қабул қилинганларни университет фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида “Таништирув ҳафталиги” тадбирларини ташкил этиш. Бунда талабаларга университет фаолият йўналишлари, раҳбарияти, университетнинг ҳудуди, тегишли масалалар бўйича масъул таркибий бўлинмалар, | сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Ўқув ишлари бўйича проректор-ТДЮУ қошидаги академик лицей |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ўтиладиган модуллар ва назорат турлари бўйича маълумот берилади. | | директори,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Ўқув-услубий бошқарма,<br>Факультет деканлари,<br>Ёшлар кенгаши |
| 9. | “Ёшлар ҳаётида 5 муҳим ташаббус” шиори остида талабалар фестивалини ўтказиш. Бунда лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ва турли муҳим саналар, юбилейларга бағишланади. | сентябрь ойининг учинчи ўн кунлиги | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари,<br>Ёшлар кенгаши |
| 10. | 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни байрами муносабати билан “Устоз Сизга эҳтиромдамиз ҳамиша” лойиҳасини амалга ошириш. Талабалар иштирокида инновацион роликлар тайёрлаш. | 2021 йил<br>30 сентябрь | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари |
| 11. | Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан “Тил бор экан, миллат барҳаёт” мавзусида тадбирлар ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш. | 2021 йил<br>октябрь | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари,<br>Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси |
| 12. | Университетда иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Йил талабаси” | 2021 йил<br>октябрь – ноябрь | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш. | | бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари |
| 13. | 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни муносабати билан “Тадбирлар 10 кунлиги” лойиҳасини юқори савияда ташкил этиш. | 2021 йил<br>декабрь | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари |
| 14. | Иқтидорли талабаларни китоб ўқишга қизиқтириш мақсадида “Мен севиб ўқиган китоб”, “Адабиётни англаш, инсонни англаш” викторинасини ташкил этиш. Бунда иштирокчилар ўзлари севган китобни мутолаа қиладилар ва у асосида кичик тақриз (аннотация) ёзиб, ишчи гуруҳга тақдим этадилар. | ҳар чоракда камида бир маротаба | Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,<br>Маънавият ва маърифат маркази,<br>Факультет деканлари |
| | **III. Илмий ишлар ва инновациялар йўналиши** | | |
| 15. | Профессор-ўқитувчилар томонидан ҳимоя қилинадиган докторлик (PhD ва DSc) диссертациялари сонини босқичма-босқич ошириш ҳамда диссертациялар сифати, жумладан илмий янгиликлар аҳамиятини ошириш, илмий натижаларни оммалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш. | 2021/2022 ўқув йили биринчи ярми давомида | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,<br>Илмий бошқарма,<br>факультет деканлари,<br>кафедра мудирлари |
| 16. | Университет докторантлари ва мустақил изланувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги мониторингини ташкил этиш ҳамда докторантлар томонидан диссертация ҳимоялари ўз вақтида амалга оширилиши бўйича зарур чоралар кўриш. | 2021 йил<br>ноябрь-декабрь | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,<br>Илмий бошқарма,<br>факультет деканлари, |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | кафедра мудирлари |
| 17. | Тадқиқот олиб бораётган университет ёш профессор-ўқитувчилари ва докторантларининг Scopus ва Web of Science каби нуфузли халқаро илмий-техник базаларга кирувчи журналларда мақолалар нашр этишларига кўмаклашиш мақсадида туркум семинар-тренинглар ўтказиш. | 2021 йил октябрь-декабрь | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Илмий бошқарма, Стратегик ривожланиш ва халқаро рейтингларга кириш бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари |
| 18. | Иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш. | 2021 йил сентябрь-декабрь | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Илмий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари |
| 19. | Давлат грантлари ҳамда хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган грантлар танловларида лойиҳалар билан иштирок этиш. | доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, кафедра мудирлари, факультет деканлари, Ҳуқуқий ташаббуслар ва инновациялар маркази |
| 20. | Тармоқ корхоналарининг соҳавий буюртмалари асосида тадқиқотлар ўтказиш ҳамда қўшимча пул маблағларини жалб этиш чораларини кўриш. | доимий | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, кафедра мудирлари, факультет деканлари, Ҳуқуқий ташаббуслар ва |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | инновациялар маркази |
| 21. | Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиб, Адлия вазирлигига тақдим этиш. | 2021 йил октябрь-декабрь | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Ҳуқуқий ташаббуслар ва инновациялар маркази, кафедра мудирлари, факультет деканлари, |
| **IV. Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим ишлари йўналиши** | | | |
| 22. | ТДЮУнинг таълим жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни онлайн ва офлайн тарзда жалб этиш чораларини кўриш. | 2021 йил сентябрь-декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, факультет деканлари |
| 23. | Университет профессор-ўқитувчиларининг онлайн ва офлайн тарзда хорижий олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот ташкилотлари ва халқаро ташкилотларда қисқа муддатли малака ошириш, стажировкаларда иштирок этишини таъминлаш. | 2021 йил сентябрь-декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, факультет деканлари |
| 24. | Юридик йўналишдаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик муносабатларини кенгайириш (меморандум, битим, шартнома ва баённомалар тузиш орқали). | 2021 йил сентябрь - декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 25. | Ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан биргаликда вебинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва мастер-классларни ташкил этишга кўмаклашиш. | 2021 йил<br>сентябрь - декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Халқаро ҳамкорлик бошқармаси<br>факультет деканлари<br>кафедра мудирлари |
| 26. | Хорижий университетлар қошидаги академик лицей ёки колледжлар ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги юридик техникумлар ҳамда ТДЮУ ҳузуридаги академик лицей ўртасида қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш. | 2021 йил<br>сентябрь - октябрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Халқаро ҳамкорлик бошқармаси,<br>Узлуксиз таълим бошқармаси |
| 27. | Талабаларнинг Phillip C. Jessup International Law Moot Court Competition, The Annual Willem C. Vis International Commercial Arbitration Moot, Frankfurt Investment Arbitration Moot Court Competition – FIAMC, European Human Rights Moot Court Competition ва бошқа шу каби халқаро конкурсларда иштирок этишларида кўмаклашиш. | 2021 йил<br>сентябрь - декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Халқаро ҳамкорлик бошқармаси,<br>факультет деканлари |
| 28. | Халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантларни университетга жалб этишда кўмаклашиш. | 2021 йил<br>сентябрь - декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 29. | ТДЮУ ўқув режалари ва таълим жараёнини халқаро аккредитациядан ўтказишда амалий ёрдам бериш. | 2021 йил<br>сентябрь - декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Халқаро ҳамкорлик |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, Ўқув-услубий бошқарма |
| 30. | Университетда хорижий давлатлар ҳуқуқ марказларини ташкил этиш чораларини кўриш. | 2021 йил декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси |
| 31. | Масофавий таълим платформаси (**distant.texnikum.tsul.uz**)да жойлаштирилган модулларга оид контентларни инвентаризациядан ўтказиш ва такомиллаштириш. | 2021 йил август-сентябрь 2021 йил декабрь-январь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Узлуксиз таълим бошқармаси |
| 32. | Юридик техникумларнинг педагоглари ва ўқувчилари учун масофавий таълим платформасидан фойдаланишлари учун тегишли шароитлар яратиш *(алоҳида логин ва парол орқали).* | 2021 йил сентябрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Узлуксиз таълим бошқармаси |
| 33. | **Европа кредит тизими – ECTS** (European Credit Transfer and Accumulation System) ҳақида юридик техникумларда ўқувчиларга таништирув ҳафтасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича наъмунавий дастур ишлаб чиқиш. | 2021 йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлиги | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Узлуксиз таълим бошқармаси |
| 34. | Ҳамкор хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурлари бўйича ўқишни йўлга қўйиш. | 2021 йил сентябрь-октябрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор, Узлуксиз таълим бошқармаси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 35. | Юридик техникумларда Кредит-модуль тизимини ўқув жараёнида қўлланилиши ҳолатини мониторинг қилиш. | доимий | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Узлуксиз таълим бошқармаси |
| 36. | Юридик техникумлар ва академик лицейда ўқув жараёни ва ўқувчиларнинг билимини баҳолашда шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни билимини баҳолашни электрон тизимини жорий қилиш. | 2021 йил сентябрь-декабрь | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Ўқув ишлари бўйича проректор –ТДЮУ қошидаги академик лицей директори,<br>Узлуксиз таълим бошқармаси,<br>Электрон университет маркази |
| 37. | Юридик техникумлар таълим жараёнларида ECTS кредит-модуль тизимини тўғри қўлланиши юзасидан ҳамда педагог ходимларга методик кўмаклашиш ва юридик таълим беришга доир замонавий ёндашувни таъминлаш мақсадида доимий равишда ўқув-семинарлар ташкил этиш. | Ўқув йили давомида | Халқаро ҳамкорлик ва узлуксиз таълим бўйича проректор,<br>Узлуксиз таълим бошқармаси,<br>кафедра мудирлари |
| **V. Молия-иқтисод ишлари йўналиши** | | | |
| 38. | Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 12-даха 67-уй манзилида жойлашган 3-сон ТТЖ биносини жорий таъмирлаш, мебеллар билан жиҳозлаш ва бинолар ҳудудларини ободонлаштириш. | 2021йил сентябрь-октябрь | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор,<br>Эксплуатация ва таъмирлаш бошқармаси,<br>Харидлар бўлими |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 39. | Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 12-даха 67-уй манзилида жойлашган спортзал биносини жорий таъмирлаш. | 2021 йил<br>сентябрь-октябрь | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор,<br>Эксплуатация ва таъмирлаш бошқармаси,<br>Харидлар бўлими |
| 40. | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй манзилида жойлашган ўқув биносини жорий таъмирлаш ва мебеллар билан жиҳозлаш. | 2021 йил<br>сентябрь -ноябрь | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор,<br>Эксплуатация ва таъмирлаш бошқармаси,<br>Харидлар бўлими |
| 41. | Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор 12-даха 67-уй манзилида жойлашган 3-сон ТТЖ биноси ҳамда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй манзилида жойлашган ўқув бинолари учун зарур штат бирликларини жорий этиш. | 2021 йил<br>сентябрь | Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор,<br>Молия-иқтисод бўлими,<br>Кадрлар бўлими |